ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

قیشلاق حقیقتی

1993 йил 5 октябрь
СЕШАНБА
№ 115 (5.556).
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ИККИНЧИ МИЛЛИОН ҲИСОБИГА

УРУҒЛИК ПАХТА ТАЙЁР

— Бу йил пахта йили бўлди, — деб таъкидлайди Қумқўрғон районидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Жумаев.

Эргаш ака деҳқончилик соҳасининг билимдони. Шу боис у бошлиқ жамоа ҳар йили режани уддалаб келаяпти. Унинг юқоридаги гапида жон бор. Бонси бу йил вилоятда бошқа йиллардагидан ҳосил эрта пишди. Кейин саратон ҳам иссиқ келди, сув танқислиги сезилмади. Шунинг учун хўжалик аъзолари дастлабки маррага осон эришдилар: уруғлик хом ашё топшириш режаси уддаланиб, давлатга 3000 тонна сифатли оқ олтин етказиб берилди. Бундан руҳланган заршунослар режадаги 8300 тонна ўрнига 11000 тонна оқ олтин саранжомлашмоқчи.

Ҳозир пайкалларда терим қизғин давом этмоқда. Ҳар куни йиллик режанинг қарийб 4 фонзи миқдорида пахта тайёрланмоқда. Мавсумда қатнашаётган 3400 нафар теримчининг ҳар бири кунига ўртача 60—70 килограммдан жавоҳир йиғиштириб олмоқда. Эрта-ндин машиналар пайкалларга киритилади. 38 та агрегат шай турибди.

— Хўжаликда 66 та бригада бор, — дейди раис. — Улар ўртасида беллашув йўлга қўйилган бўлиб, биринчи ўрин учун битта от, иккинчисига бир бош қорамол, учинчисига бир бош қўй соврин қилиб қўйилган. Қўлда саранжомланган хом ашё ҳақининг оширилганлиги сабабли одамларни теримга ташвиқот қилишга ўрин қолмади.

Жамоада шу кунгача уч та бригада маррага етди. Заршунослар режани 15 октябргача бажаришни мўлжалламоқдалар. Улар бу йил тармоқнинг ўзидан 3 миллиард сўм даромад қилишмоқчи. Ана шу маблағнинг ярми одамларга иш ҳақи сифатида берилади.

А. ОДИНАЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Косон туманидаги Абдулла Набиев номли жамоа-ширкат хўжалигида йиғим-терим ишлари қизғин олиб борилмоқда. Айниқса дала дарғалари хўжалик хирмонига барака киритишяпти. Хўжаликнинг Қўчқор Жўраев бошқарувчи бўлган бўлими пахтакорлари 850 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 15 центнер ўрнига 20 центнердан оқ олтин йиғиб-териб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунларда суворийларнинг фидокорона меҳнати туфайли кунига 130—140 тоннадан пахта топширилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Йиғим-теримда ҳамкасбларига намуна бўлаётган дала дарғаси Эшқобил Жўраев. У бу йилги мавсумда 120 тоннадан зиёд дурдона теришга азму қарор қилган. 2. Зангори кемалар пахтазорда.

Муродилла КОМИЛОВ олган суратлар.

ИЛК ЗАФАР

Чортоқ туманидаги «Чортоқ» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил эрта кўкламда қир-адирликлардан иборат янги ўзлаштирилган 50 гектар майдонга яхши нинят билан чигит қадаган эдилар. Пахтакорлар илк зафар қучишди. 100 тонна хом ашё тайёрланиб, давлат бу-юртмаси бажарилди. Хўжалик пахтакорлари яна 150 тонналик хирмон уюш учун курашни қизғин давом эттиришмоқда. Ҳали пайкаллар ҳосил мўл.

Р. Умаров, З. Маматов, З. Тўрабоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар жамоаси ва Р. Фозилова, Э. Ҳамроева каби пудратчилар бу курашнинг олдинги сафларида боришаяпти.

* * *

Элликқалъа туманидаги кўчат етиштиришга ихтисослаштирилган «Элликқалъа» давлат хўжалиги жорий йилда ёрдамчи хўжалик сифатида 70 гектар ерга чигит қадаган эди. Бугун ана шу майдонлардан 100 тонна аъло сифатли хом ашё йиғиб олинди.

Хўжалик заршунослари хирмон чўғини тағин 100 тоннага оширишга азму қарор қилишди. Шу ниятга яраша бугун меҳнат шиддатли баланд.

А. ИСКАНДАРОВ.

АНДИЖОНДА БИРИНЧИ

● Марҳамат туманининг Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги пахтакорлари Андижон вилоятида биринчи бўлиб йиллик режани бажарди. Боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган бу хўжалик меҳнатчилари адирдан ўзлаштирилган 62 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил териб олди. Давлатга 125 тонна «оқ олтин» топширилди. Миришкорлар яна 60 тонна пахта тайёрлаш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 4 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Режадагига нисбатан фоиз ҳисобида: Жами — Бир кунда	Жами — Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими — Бир кунда	Шу жумладан машина терими — Мавсум бошидан
Хоразм	2,97	59,15	0,55	2,67
Сурхондарё	2,84	52,63	2,35	25,25
Бухоро	3,37	49,46	1,35	8,71
Қорақалпоғистон Республикаси	3,18	39,36	2,72	20,57
Қашқадарё	3,44	39,43	3,28	17,28
Фарғона	2,38	29,70	0,43	2,58
Андижон	2,73	25,36	0,75	1,59
Навоий	3,02	21,56	1,32	3,93
Наманган	2,01	14,38	0,41	1,69
Самарқанд	1,90	10,41	0,38	1,05
Тошкент	1,06	7,45	0,34	0,52
Жиззах	1,02	4,42	0,70	2,44
Сирдарё	0,54	2,72	0,04	0,08
Республика бўйича	2,36	27,69	1,19	7,37
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Сурхондарё	3,01	38,44	0,00	0,00
Қашқадарё	1,05	5,66	0,00	0,00
Наманган	0,25	4,73	0,00	0,00
Андижон	0,00	0,00	0,00	0,00
Бухоро	0,00	0,00	0,00	0,00
Навоий	0,00	0,00	0,00	0,00
Республика бўйича	2,53	30,61	0,00	0,00

ДОВОНДАН ОШДИК

Республикамиз деҳқонлари, умуман биз пахтакорлар ҳаётида масъулиятли кунлар давом этмоқда. Ўз аҳдида устивор хўжалигимиз аъзолари бу йил ҳам астойдил меҳнат қилиб, пахта тайёрлаш режасини вилоятда, ҳатто республикада биринчилар қаторида бажаришга муваффақ бўлдилар Марранинг олдинги сафларида бўлиш — биз учун қутлуғ анъана. Давлат-ширкат хўжалигимиз пахтакорлари жорий йилда ҳам эл олдида берган ваъдаларининг устидан чиқишди. Қисқа муддатда, яъни йигирма иш кунида режани шараф билан уддаладик.

Бу айтишга осон. Мавжуд 800 гектар майдонда мўл ҳосил тўплаш, айтиш жоиз бўлса, худди «хамиридан қил суғургандек» кечадиган жараён эмас. Илло, бунинг замирида заҳматлар силсиласи ётибди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан йиғиб олинган ҳосил 23 центнерга тўғри келди. Мустақил Ўзбекистонимиз пахта хирмонига қўшган ҳиссамиз 2 минг тоннага етай деб қолди. Аслида йил бошидаёқ режани 1740 тонна қилиб белгилаган эдик. Бу рақам салмоғини 2800 тоннага етказиш учун кураш олиб бораяпмиз. Далаларимизда ҳосил чўғи мўл. Унинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмасдан йиғиш-териб олиш эзгу ниятимиз. Сафарбарлигимиз ана шу улуғ ният сари йўналтирилган.

Бугунги қувончли дақиқаларда катта жамоамизнинг ҳар бир аъзосига минг бор қуллуқ ва таъзим қилсак арзийди. Уларнинг келажакка, мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқболига ишончи баланд. Ана шу кайфият, кўтаринки руҳ бугунги илк зафаримизга омил бўлиб хизмат қилди. Шу кунгача 53 ижарачи бригададан қирққа яқини дастлабки маррадан ўзиб, навбатдаги довонлар сари дадил боришмоқда. Қайд этсак арзийдиган залворли рақамлар бисёр. Суюн Ортиқов, Абдураҳмон Самадовлар етакчилик қилаётган ижарачи бригадалар ҳосилдорликни ҳозирнинг ўзида 38—40 центнерга етказиб қўйишди. Бу жамоаларда режа икки баробар оширилган ado этилди. Жумладан, Суюн Ортиқов бошлиқ жамоа пахтакорлари 95 тонна ўрнига 180, Абдураҳмон Самадов етакчи жамоа эса 95 тонна ўрнига 170 тонналик хирмон уйдилар. Шунингдек оилавий звенолардан Хайруллa Шоймуродов, Бахтиёр Рўзиев ва бошқалар режадаги 20 тонна ўрнига 53—55 тоннадан хирмон тиклаб, ютуғимизга залворли ҳисса қўшдилар.

Астойдил тер тўкканга, иншоолло, Аллоҳ таоло ҳам, қолаверса, табиат ҳам қарашади. Биз эса улардан самимий, илиқ, яъни ўзимизнинг бугдой сўзимизни дариғ тутмаслигимиз керак. Шу ўринда Ихтиёр Ортиқов, Эркин Рўзиев, Файзи Салимов, Ҳабибулла Нурманов сингари механизаторларимизни, Рўзи Мавлонов, Суяр Ортиқов, Қилич Дўланов каби ўнлаб миришкор сувчиларимизни, Ашурой Йўлдошева, Насиба Алимова, Ойдиной Шералиева, Раънохон Ҳаққулова, Улашой Сапарова, Гули Эрқулова каби фидокор аъзоларимизни эҳтиром билан тилга олиб ўтамиз. Бундай пешқадамлар билан сафимиз зич, кўксимиз баланд, дастимиз узун.

Ҳосил тақдирида ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Юқорида номлари зикр этилган дала соҳиби ва соҳибалари бугунги долзарб мавсумда ҳам бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишмоқда. Бундай фидокорларимизнинг қўл меҳнатини камситмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, техника теримда асосий куч. Хўжалигимизда ялпи ҳосилнинг 60 фоизи агрегатлар бункеридан тўкилди. Механизаторларимизга терган ҳар тонна пахтаси учун 1000 сўмдан, қўлда терилган ҳар килограмм дуржавоҳир учун эса 25—30 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Ўзаро меҳнат беллашуви катта самара бермоқда. Агроучасткалар аро авж олган мусобақада Сапар ака Салимов бошқарувчилик қилаётган энг йирик 1-агроучастка пахтакорлари пешқадамликни қўлдан беришмай келишаяпти. Айни пайтгача бу жамоа деҳқонлари 420 гектар пахта майдонидан 916 тонна ўрнига 1000 тоннадан ошириб ҳосил йиғиб олдилар.

Режани бажардик, деб хотиржамликка берилганимиз йўқ. Бу асло мумкин эмас. Асл пахтакор ҳар мисқол пахтани нест-нобуд қилмай, толасини ерда қолдирмай йиғиб-териб олса, ўз меҳнатини қадрлаган бўлади Шу мақсадда ҳозир хўжалигимиз пахта пайкалларида ўнлаб терим агрегатлари бетиним ишламоқда. 1200 дан ортиқ теримчилар этак боғлаб пахта теришмоқда. Республикамизнинг улкан пахта хирмони қад ростлаб, токи деҳқонларимизнинг юзи ёруғ бўлмагунча, биз суръатни сусайтирмаймиз. Аҳдимиз шундай! Пахта эъзози ҳар бир ўзбекистонлик учун улуғ иш!

Бегимқул ЭШҚОБИЛОВ,
Ғузор туманидаги Улуғбек номли давлат-ширкат хўжалигининг раҳбари.

ҒАМХЎРЛИК

Чортоқ пахта тозалаш заводи янги мавсум ҳосилини қабул қила бошлади. Завод йилига 50 минг тонна хом ашёни қайта ишлайди.

Завод тумандагина эмас, бутун Наманган вилоятида энг илғор корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда анчадан бери ходимлар муаммоси йўқ. Ишчиларнинг иш ҳақи ҳам тумандаги энг юқори маош ҳисобланади. Бу — яхши меҳнат шароити ва иш самараси билан бевосита боғлиқдир.

Корхонада ишчи ва хизматчилар учун яратилган шароит, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳавас қилса арзийдиган даражада. Заводда беш юз нафар ишчи, хизматчи бўлиб, уларнинг ҳаммаси текин тушлик қилади. Дастурхонда ҳар хил мева, сабзавот тўкин бўлади. Ҳар бир киши истаганича сут ичиши мумкин. Буларнинг барчаси — заводнинг ёрдамчи хўжалиги туфайлидир.

— Илгари 10 гектар ериниз бор эди, — дейди корхона директори Ботирали Ҳакимов. — Бу йил туман ҳокимининг қарорига биноан адирдан яна 15 гектар ер ажратиб берилди. У ерга маккажўхори билан шоли экдик. Ҳар гектар ердан 250 центнер кўкпоя олиб, 80 тонна силос бостирдик. Ҳозир 112 та қорамолимиз бор. Озуқамиз ҳам етарли. Ҳодимларимиз гўштини бозордагидан 3—4 баравар арзон олишади. Боғимиздан чиққан меваларни ҳам арзон нархда сотамиз. Бу йил юз қути асалари олдик. Тез орада ходимларимизни бу шифобахш неъмат билан ҳам тўла таъминлаймиз.

Яқинда корхонанинг маъмурий биносида марказий шаҳар касалхонасининг поликлиникаси очилди. 30 дан ортиқ тиббиёт ходими корхона ишчи ва хизматчилари, шунингдек яқин атрофда истиқомат қиладиган аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

СУРЪАТ ОРТМОҚДА

Конимех районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Шундай бўлса-да, икки йилдирки, деҳқонлар пахтачилик билан ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Ўтган йили биринчи бор ғўза парвариш қилган хўжалик заршунослари мўл ҳосил етиштириб, режани ошириб бажардилар.

Жорий йилда 80 гектар майдонга уруғлик қадаб, далаларда мўл оқ олтин тўплашга муваффақ бўлган деҳқонлар ҳозир теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Айниқса, Норқул Облоқулов, Бахтиёр Аҳмедов бошлиқ бригадаларда суръат кун сайин ошиб бормоқда.

— Мавсумни 20 октябргача тугатиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз, — дейди давлат хўжалиги директори Нарзи Исломов. — Пахтакорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис терим суръати ошиб боряпти. Ҳозир ҳар куни йиллик режанинг 1,5—2 фонзи миқдорида сифатли хом ашё тайёрланмоқда. Марра ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, 200 тонналик хирмон яратиш.

В. НОСИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

3-4 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ МОСКВАДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ

МУРОЖААТНОМАСИ

Демократияга қарши кучлар шундай бир чегарадан ўтдиларки, бу ҳақда бир неча марта гапирилган эди. Москвада қон тўкилди ва бунинг айбдорлари ўзларини қонундан ташқари қилиб қўйдилар. Музокара жараёнини барбод қилган ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, қонунга хилоф қуролли тузилмаларнинг авантюрачилигини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар билан оқлаш мумкин эмас.

Биз халқларимизнинг тақдири тарихан боғлиқ Россия халқи билан биргаликда рўй берган воқеадан чуқур ташвишланяпмиз ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик билдирамиз.

Ҳозирги қалтис дамларда барча россияликларни ақлфаросат ва вазминлик билан иш тутишга чақирамиз. Россия Президенти ва ҳукумати ижтогарларни тўхтатиш ҳамда демократияни ҳимоя этиш учун ҳамма ишни қилишига ишонамиз.

Биз яна инсонлар қурбон бўлишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган барча сиёсий куч-ғайратларни сарфлашга тайёрмиз.

Бизнинг мурожаатномамизни МДҲдаги бошқа давлатлар ҳам қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз.

Озарбойжон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи
Ҳ. АЛИЕВ.

Арманистон Республикаси Президенти
Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН.

Қозоғистон Республикаси Президенти
Н. НАЗАРБОЕВ.

Қирғизистон Республикаси Президенти
А. АКАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Украина Президенти
Л. КРАВЧУК.

МОСКВАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Россия давлатининг пойтахти Москва шаҳрида юз берган тартибсизликлар қўнгилларга ташвиш солмоқда. Эски тузумни қўмсаб юрган кучлар тарих ғилдирагини орқага қайтариш талвасасига тушиб қолди. Бу талвасанинг ташвишли ва хавотирли булутлари эса қалбларга бесаранжомлик ва безовталик соясини солди. Бу кучлар босиб ўтилган кўприклар ёниб кетганини, энди эса орқага қайтиш сира ҳам мумкин эмаслигини тушуниб етмади.

3 октябрдан 4 октябрга ўтар кечаси Россия Федерациясининг тарқатиб юборилган Олий Кенгаши тарафдорлари Москвадаги бир қанча муҳим давлат идораларига, шу жумладан шаҳар ҳокимлиги ва «Останкино» телемарказига қуролли ҳужум уюштирди, ижро ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги зиддият қон тўкилишига сабаб бўлди.

4 октябрь куни тонгда Россия Президенти Борис Ельцин Москва шаҳрида фавқулодда ҳолатни таъминлаш бўйича зарурий чоралар тўғрисида фармон чиқарди. Фармонда қисқа муддат ичида Россия пойтахтида ҳуқуқ-тартиботни изга солиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилди. Шу мақсадда ички ишлар, мудофаа ва хавфсизлик вазирларидан иборат бирлашган тезкор штаб тузилди. Москвага оғир техника, ҳарбий ва десант қисмлари киритилди. Борис Ельцин фуқароларга мурожаат қилиб уларни Россия манфаатлари йўлида вазминликни сақлашга, тарафкашликка берилмасликка даъват этди. Жиноятчиларга, қурол кўтариб, тўнтариш йўлига ўтганларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш ва уларга тегишли жазо беришга чорлади. Бугунги тушган ахборотларга қараганда, пойтахтда тартиб ўрнатилаяпти, лекин ҳозирча отишма бўляпти.

Ўзбекистон раҳбарияти, жамоатчилиги Россия Президенти ва ҳукумати жиноятчи кўпорувчиларга қарши қабул қилаётган ва тартиб-интизом ўрнатиш йўлида кўраётган қатъий чораларини маъқуллайди. Россияда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишни тилайди. Бир кун жанжал чиққан уйда қирқ кун барака бўлмайди, деб доно халқимиз бежиз айтмаган. Агар ақл-заковат, идрок, имон ва инсоф билан иш кўрилганда эди, бугун инсон қони тўкилмасди. Шундай экан, бугунги кунда юртимиздаги барқарорликни қадрлашимиз, миллатимиздан қатъий назар, ҳар биримиз ҳамжиҳатлик ва бирдамлик кўрсатиб, ягона ойланинг фарзандларидек аҳил яшашимиз зарур, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини, юртимиз тинчлигини ва осойишталигини таъминлаш ҳар қандай инсоннинг бурчидир. Россия пойтахти Москвадаги бугунги фожиали воқеалар ҳаммамизни тинчликка, тотувликка ҳамжиҳатликка, дўст ва биродар бўлиб яшашга яна бир карра ундайди. Зиддиятларга, қарама-қаршиликларга, кўнгилни хуфтон қиладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга сира ҳам йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Шу олийжаноб мақсадлар учун бор куч-ғайратимизни, билимимизни, ақл-заковатимизни ишга солишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

[ЎзА].

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА 1994 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига қарашли Матбуот тарқатиш марказининг вилоят, шаҳар, туман бўлинмаларида, қишлоқлардаги шохобчаларда барча газета ва журналлар қатори «Қишлоқ ҳақиқати»га ҳам 1994 йил учун обуна расмийлаштириш бошланди. «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси таҳририяти муштарийларни 1994 йил учун обуна бўлишга даъват этар экан, ижодий жамоамизнинг келгуси йилдаги режалари катта ва кенг қамровли эканлигини маълум қилади. Деҳқончилик-саноат мажмуидаги илғор иш усуллари, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг энг мақбул кўринишларини татбиқ этиш борасида тўпланган тажрибалар изчил оммалаштириб борилади.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 1994 йилдаги обуна баҳоси 12 ойга 14.916 сўм, 6 ойга эса 7.458 сўм қилиб белгиланди. Барча соҳада нарх-наво ошаётганлиги 2—3 йилдан бери матбуотнинг обуна баҳосида ҳам ўз ифодасини топаяпти. Бу қоғоз, бўёқ нархининг кўтарилганлиги, босмахона ва матбуот тарқатиш харажатларининг тобора ошиб бораётганлиги билан боғлиқ. Шуларни таъқидлаган ҳолда қадрли муштарийлар диққат-эътиборини уч масалага қаратиш зарур. Биринчиси, газетамизга обуна бўлсангиз, уни мунтазам ўқиб бориш имконияти яратилади. Газетани чакана савдода харид қилишга нисбатан обуначи сифатида олиш анча арзонга тушади. Бунинг яна бир қулайлик томони шундаки, нашримиз хонадонингизга етказиб берилади. Иккинчидан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида деярли барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эркин нархда сотилиб, харажатларни қоплашга шароит яратилмоқда. Хўжаликлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқонлар ва чорвадорлар бирмунча яхши даромад олишяпти. Бу обуна бўлишга иқтисодий шароит яратади. Учинчидан ва энг асосийси, замондошларимиз ҳаётини, кундалик турмушини оммавий ахборот воситаларисиз, улар кишилар қалбига бахш этадиган маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам хўжаликлар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарларини, мутасаддиларини, барча муштарийларни 1994 йил учун обуна расмийлаштиришга даъват этамиз.

ПРЕЗИДЕНТ МУВАФФАҚИЯТИ—ЎЗБЕКИСТОН КАМОЛИ

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИНИ ЗЎР ИФТИХОР, ФАХР ҲИС-ТУЙҒУЛАРИГА ТЎЛИБ-ТОШГАН ҲОЛДА УҚИБ-УРГАНМОҚДАЛАР

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистон Республикаси— кучли ва кенг имкониятли, ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи порлоқ мамлакат. Аммо бизнинг энг асосий бойлигимиз—ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан ажралиб турадиган кўнгли очиқ, меҳнатсевар, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

ЎЗЛИГИН АНГЛАГАН ХАЛҚМИЗ

Абдураззоқ ҚАЮМОВ, Оқолтин райони ҳокими:

Президентимиз И. А. Каримов республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Сиёсатимизнинг асосий мақсади — дунёга эшик очиш, жаҳон майдонига, тараққий этган давлатлар қаторига собитқадамлик билан кириб боришдир... Ўзбекистонни, унинг бой ўтмишини, маданиятини, ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини дунёга танитишдир», дея алоҳида таъкидлаган эди. Юртбошимизнинг БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси худди шу

маънода бекиёс роль ўйнайди. Унда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб бораётганлиги, бекиёс имкониятлари, истиқболи ёрқин ифодалаб берилди. Ислом Абдуғаниевич дунёда тинчлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, хусусан, Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ҳамда ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақириш лиши, Орол муаммоси бўйича махсус комиссия ташкил қилиш каби ғоят қимматли таклифларни ўртага ташлади. Снёсатчилар, давлат раҳбарлари катта нутққа юксак баҳо бердилар.

Ҳа, БМТ Бош ассамблеяси минбаридан Ўзбекистон овозини илк бор янграганлиги қалбимизга ғурур, фахр ҳиссиётуйғуларини бахшида этди. Серқуёш Ўзбекистонни дунё янада яқинроқ таниди, Бу истиқлол шарофатидир. Таъкидланганидек, Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг бугунги ҳолатидан демократик жамият ва бозор иқтисодиёти қадриятларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Президентимиз эндиликда дунёда жамият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллари йўқлигини алоҳида урғу билан таъкидлади. Демак, мафкуравий ақидалардан ҳоли бўлган янги эркин тафаккурни шакллантириш зарурати етилди. Бу шубҳасиз, ҳар бир мамлакатнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишида ғоят кенг имкониятлар очиб беради. Буни туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳаётбахш фармонлар меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда. Бунёдкорлик ишлари жонлаяпти. Сўнгги вақтда аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Биргина Сардоба қўрғонида 14 минг квадрат метр саҳнли коттеж уйлар қурилди. Замонавий чойхона, ҳаммом фойдаланишга топширилди. Янги маҳалламизга Исломобод деб ном бердик.

Мустақилликнинг дастлабки йили «Каррера» фабрикаси ишга тушганди. Унда юздан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда мазкур фабрика республикамиз хазинасига кўплаб даромад келтирмоқда. Яқинда Хитой Халқ Республикаси корхоналари билан шартномалар туздик. Унга кўра туманимизда ун ва нон маҳсулотлари тайёрлаб берадиган қўшма корхона қурилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалайдиган заводнинг ишга туширилиши кўпчиликни хурсанд қилди. Айни пайтда хўжаликларда етиштирилган ноз-неъмат ўзимизда қадоқланмоқда. Сутни қайта ишлайдиган заводимиз имконияти кенгайди. Ҳозир бу ерда кунига 10 тоннадан кўпроқ маҳсулот қайта ишланиб, аҳолига сариёғ, пишлоқ, сузма ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериляпти. Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаяпмиз. Фермерларимиз сафи кенгаймоқда. 130 та фермер хўжалиги, 66 та кичик корхона маъмурчиликка хизмат қилмоқда.

Мустақилликни эълон қилган Ўзбекистон ўзининг мазнавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Ислом Абдуғаниевич БМТ Бош ассамблеясида эътироф этганидек, Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатхонаси самарали ишлаётир. У Бутрос Ғолий жаноблари билан очилганлиги ғоят қувончлидир. Қатрада қўёш акс этганидек, мустақиллик йилларида эришилган ижобий натижалар, олға силжишлар туманимизда ҳам оз эмас. Энг ажойиби ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, руслар бир ёқадан бош чиқариб Ватан бойлигига бойлик қўшишаяпти. Янги-янги ташаббуслар кенг оммалашмоқда. Бу асосий тармоқ — пахтачиликда яққол кўзга ташланади. «Сардоба», «Фарғона» давлат-ширкат уюшмаларининг деҳқонлари мўл ҳосил яратиш, бебаҳо бойликни қисқа вақт ичида саранжомлашда намуна бўлиб келишяпти.

Умуман Президентимизнинг Нью-Йоркка сафари бағоят самарали бўлганлиги барчани қувонтирмоқда. Ислом Абдуғаниевич БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий, АҚШ Президенти Б. Клинтон ва бошқа расмий кишилар билан учрашиб, суҳбатлашди. Бизнесменлар, айрим фирмалар раҳбарияти билан мулоқотлар шубҳасиз Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Ўзбекистон танлаб олинган йўлга содиқ эканлигини ҳаёт тасдиқламоқда. Ғамхўр, жасур Президентимиз, фидокор, меҳнатсевар халқимиз бор экан, ниятлар рўёбга чиқаверади.

ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Омонгелди АЙДАРОВ, «Сардоба» давлат-ширкат уюшмаси раиси:

Президентимиз Нью-Йоркка сафари чоғида жуда кўп ишбилармонлар билан ҳам учрашди. Ўзаро мулоқотларда ишончим комилки, жуда кўп арбоблар Ўзбекистонни кашф этишди, биз билан алоқа қилишни режалаштиришди. Биз одил, халқпарвар, жасур, кучли иқтисод билимдони бўлмиш юртбошимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ислом Абдуғаниевич ҳам фидокор халқимизни ғоят қадрлайди, унга суянади. БМТ сессиясидаги маърузада: «Ўзбекистон ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи порлоқ мамлакат. Аммо бизнинг энг асосий бойлигимиз — ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан ажралиб турадиган халқимиздир», дея алоҳида таъкидлади.

Катта нутқни матбуотда ўқиб, у кишига бўлган меҳрим, ҳурматим юз чандон ошди. Ўзбекистон шуҳрати яна бир бор оламга ёйилди. Мамлакатимизда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган халқпарвар сиёсат бозор шароитида жуда кўп муаммоларни ҳал этиш, минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқароларнинг тотувлигини таъминлаётир.

Бизда миллатлараро тотувликка эришилди. Оз сонли миллатлар билан ҳеч қандай муаммо йўқ. Серқуёш республика ҳозирда савдо-саноат дояраларига, ишбилармонларга таклиф қиладиган нарсалар оз эмас. Жумладан, Ўзбекистон олтин қазиб чиқаришнинг умумий ҳажми юзасидан дунёда саккизинчи ўринда туради. Ўзбек олтинининг сифати дунёдаги олий андозаларга мос келади. Уран конлари, қудратли энергетика базаси, пахтаси, коракўли бебаҳо бойликлардир. Президент маърузасини зўр манфаатдорлик билан ўқир экансан, Владимир Пильняк-нинг Америкада чиқадиган «Новое русское слово» газетасида босилган мақоласидаги қуйидаги сўзлар ёдимга келади: «Ўзбекистон Президент Каримов бошчилигида ўрта аср реакцияси ва қонли бедодлик ишлари йўлида тўғон бўлиб турибди».

Ҳа, буни барча қалбдан ҳис этмоқда. Ислом Абдуғаниевич Марказий Осиёда, хусусан Тожикистондаги можароли вазиятни синчиклаб ўрганиш ва унинг БМТ доирасида бартараф этилишининг зарурлигига БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Ғолийнинг эътиборини икки марта жалб этди. Қувончлиси шуки, ғоят муҳим таклифга тез эътибор берилди. Пировард натижада минтақада БМТ Бош котибининг масъул элчиси раҳбарлигидаги миссия самарали ишлаяпти.

Ҳозир Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси. Германия, Швейцария конфедерацияси, Австрия, Нидерландия қироллиги, Финляндия, Туркия ҳамда Европанинг бошқа давлатлари билан узоқ муддатли, истиқболли муносабатлар йўлга қўйилди. Мамлакат раҳбарияти бирлашув жараёнларига қўшилиш, бир томондан, жамиятдаги барқарорлик ва мукимликни, иккинчи томондан эса иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар изчил амалга оширилишини, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ишончли кафолатлар яратилишини талаб қилишини юксак даражада англаётганлигини ҳаёт яққол кўрсатаяпти. Мустақилликка эришганимиздан кейинги давр осон бўлмади. Ўтмишда арзон хом ашё ҳамда стратегик минерал бойликлар етказиб берадиган ўлка бўлган ерда жамият парчаланиб кетишига йўл қўймаслик, ислоҳотларнигина эмас, давлатнинг ўзини ҳам хавф остига қўйиши мумкин бўлган ижтимоий ларзаларнинг олдини олиш учун зўр омилкорлик, қатъиятлик билан иш юритилди. Ҳукумат саъй-ҳаракати айнан ўз вақтида изчил амалга оширилганлиги учун барқарорлик, соғлом муҳит яратилди.

Ҳозирги кунда бош вазифа фидокорона меҳнат қилиш, мустақилликни қадамба-қадам мустаҳкамлаб боришдан иборатдир. Заршунослар, боғбону соҳибкорлар буни қалбдан ҳис этиб ишлашмоқда. Ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик туфайли бу йил рекордан ортиқ 1,5 минг килограмм пилла топширдик. Ғалла кутилганидан зиёд бўлди. Ҳар гектардан 61 центнердан мактабгўхори дони олинди, 300 центнердан силос учун кўкпоя йиғиштирилди.

Кичик корхоналар сони ортмоқда. Оҳак цехи, мойжувоз, тегирмонга эгамиз. Хитой ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Қисқа вақт ичида пахта мойи ишлаб чиқариладиган корхона бунёд этилади. Ҳозирги кунда бутун диққат-эътибор пахта йиғим-теримига қаратилмоқда. Ҳадемай 126 та зангори кема далага чиқарилади. Жорий йилда давлатга 12.200 тонна оқ олтин топшириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

ОРОЛ—ОЛАМ МУАММОСИ

Турғун ОРИПОВ, механизациялашган кўчма колонна бошлиғи:

БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Президентимиз Марказий Осиё ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келаётганлигига унинг иштирокчилари эътиборини жалб этди. Ахир ташвишланмай бўладими. Сўнгги йилларда Оролнинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километргача чекинди, ҳайдаладиган 2 миллион гектар ерни қум босди. Чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб боряпти. Президентимиз фалокатнинг жаҳон миқёсида эканлигини ҳисобга олиб БМТнинг Орол муаммоси бўйича махсус комиссиясини тузиш юзасидан таклиф киритди. У қўллаб-қувватланишига ишончимиз комил.

Биз — қурувчилар ассамблея сессияси минбаридан айтилган яна бир фикрга тўла қўшиламиз. Кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, яъни ёнғин ҳали эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Президентимизнинг жаҳон ҳамжамияти бундай ҳолларда бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар мақомига ўтиши лозимлиги ҳақидаги фикри ҳам йирик халқаро анжуман қатнашчиларига маъқул тушганлиги шубҳасиздир. Негаки, Марказий Осиёда ҳар хил этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган салкам 60 миллион киши яшайди. Бу минтақадаги тўқнашувлар олдидан айтиб бўлмайдиган миқёслардаги фалокатларни келтириб чиқара олади.

Мамлакатимиз кишилари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Эзгу мақсадларга эришиш учун энг аввало маънавий инқироздан чиқишимиз лозимлиги Олий Кенгаш сессиясида ҳам таъкидланганди. Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Бироқ маънавий ислоҳотлар —қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклашдан кўра улуғроқ иш йўқ. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг БМТ Бош ассамблеяси сессиясидаги маърузаси ана шу улуғ орзунинг рўёбга чиқишида бекиёс роль ўйнайди.

Жамоамизда 100 га яқин киши ишлайди. Барчамиз сўз ва иш бирлигига амал қилишга ҳаракат қиляпмиз. Иқтисодий танглик сезилаётган бўлса-да, қурилиш ишлари бўшаштирилмаяпти. Сўнгги йилларда Оқолтин туманида сўлим чойхона, дори-дармонлар сақланадиган омборхона, ажойиб мактаб, боғчалар, миллий ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Шинам турар жойлар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Бу ютуқларда прораб Абдували Абдураҳмонов, бўёқчилар Хатира Қорабоева, Зумрад Сулаймонова, суворқчи Баҳриддин Хидировнинг муносиб ҳиссаси бор. Ҳозирги кунда бозор қурилишида сидқидилдан тер тўкаяпмиз.

ЭЪТИРОФ

Саъдулла РЎЗИҚУЛОВ, туман газетаси ва телевидениесининг бош муҳаррири:



Бир вақтлар Москванинг рухсати бўлмаса тузукроқ маъмурий бино қуролмасдик. Истиқлол шарофати туфайли асрий орзулар рўёбга чиқмоқда. Барча соҳа бирдек ривожланаётган Оқолтинда қувончли воқеалар кўп. Муҳимларидан бири, шу йилнинг бошида ҳоким ташаббуси билан туман телевидениеси иш бошлади. Унга «Фарғона» давлат хўжалиги ҳомийлик қилмоқда. Телевидение ўз Низоми ва дастурига эга бўлиб, тегишли ҳуқуқий-молиявий идоралар рўйхатидан ўтказилди.

Кўрсатувлар ҳафтасига уч марта. Унда Президент фармонларининг шарофати, ишбилармонлар фаолияти, илғорлар тажриба-ташаббуслари, фидойи меҳнатлари билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган деҳқонлар, саноатчилар, қурувчилар фаолияти ҳақида ҳикоя қилинмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи юзасидан махсус кўрсатув тайёрлаяпмиз. Таъкидлаш жоиз, бу қувончли воқеа одамларни бағоят тўлқинлантириб, қалбларига фахр-ҳис-туйғуларини бахшида этганлигининг гувоҳимиз. Шу ўринда айрим дил сўзларини айнан келтирсак.

М. Исмоилов — механизатор: Президентимизнинг 26—28 сентябрь кунлари Нью-Йоркка қилган сафари тарих саҳифасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади. БМТ Бош ассамблеяси минбаридан Ўзбекистон овози илк бор янгради Бу юртбошимизнинг демакки, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрўсини ниҳоятда оширди.

А. Алиқулов — бригада бошлиғи: Ислом Абдуғаниевичнинг маърузасини тинглаб, Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деган иборанинг мағзини чаққандек бўлдим.

О. Ғаниев — ишчи: Америкаликларни ҳайратга солиш қийин. Аммс АҚШнинг кўпгина бизнесменлари И. А. Каримовнинг билимдонлиги, жасурлигига тан берганликлари телекўрсатувларда яққол акс этиб турди. Ёмон кўздан асрасин.

Ш. Ғозибеков — милиция катта лейтенанти: Қатъий хулоса шуки, ҳозир раҳбарлар зиммасида ғоят катта масъулият ётибди. Саркор одамларга бош-қош бўлмаса, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у аввало маънавий, яъни миллатни миллат қиладиган тушунча эканлигини омма онгига сингдирмаса, ўз қадрини йўқотади. Одамлар сиёсий нуқтаи назардан уйғонишди. Лекин уларга маънавий озиқ ниҳоятда зарур. Долзарб масалалар юзасидан мулоқотларда шу фикрга ургу берилган.

Президент маърузасида ҳозирги замон воқелигига алоҳида ўрин берилган. Равшанки, бир мамлакат хавфсизлигини бошқа давлат ҳисобидан таъминлаш мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратиб бўлмайди. Ислом Абдуғаниевич юксак минбардан туриб Ўзбекистон раҳбарияти кимёвий қуролни таъқиқлаш конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги ҳамда бактериологик қуролни таъқиқлаш муаммолари бўйича зарур музокараларни ҳам масъулият билан ўтказиш ниятида эканлигини маълум қилди. Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур, деган таклифни ўртага ташлади. Умуман ғоят самарали ўтган Нью-Йоркка қилинган сафар Ўзбекистонни дунё билан ошно қилишда беқиёс роль ўйнаяжаги шубҳасиздир.

УНУТИЛМАС ОНЛАР

Лапас ИКРОМОВ, фермер,

Мустақиллик йилларида Президентимиз И. А. Каримов жуда кўп мамлакатларга расмий сафар қилди. Улар ҳар икки томон учун манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда катта роль ўйнамоқда. Аммо Нью-Йорк сафарининг аҳамияти алоҳидадир. Президентимизга, демакки, Ўзбекистонга юксак даражада ишонч ва ҳурмат кўрсатилди. Бу-нинг ҳаммасига юртбошимиз узоқ йиллик самарали меҳнати, ташаббускорлиги, одил ва қатъиятлилиги орқасида эришди.

Ноз-неъмат бунёдкори ситфатида деҳқончилик-саноат мажмуида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш имконияти яратилаётганлигини таъкидламоқчиман. Қишлоқ хўжалиги тизими такомиллаштирилди. Пахтазорлар 510 минг гектарга камайтирилиб, озиқ-овқат ва озуқа экинлари майдони кенгайтирилди. Ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Оила аъзоларим билан қорамол, қўй парваришлаб, йилига бир тоннадан ортиқ гўшт етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Одамларда келажакка бўлган ишонч мустаҳкамланаяпти. Мамлакатимиз раҳбарияти халқ фаровонлигини ошириш, бозор муносабатларида юзага келаётган қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Ёш мустақил давлат саноати жаҳон бозорида рақобат қила оладиган машина-ускуналар, уй-рўзғор юмушларида керак бўладиган буюмлар ишлаб чиқара бошлади. Матбуотда ёзишларича, автомобиль саноатининг тўнғичи «Ўздэуавто» қўшма корхонаси йилига 180 мингта автомобиль ишлаб чиқарар экан. Нукус шаҳрида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси ёрдамида бунёд этилаётган тўқимачилик мажмуининг тури бизда биринчи марта яратилмоқда. Бу ерда йилига 25 миллион долларлик маҳсулот тайёрланар экан. Италия фирмалари билан юк машиналари, двигателлар, юк кўтаргичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётганлиги айни муддаодир.

Президентимиз Бош ассамблея сессиясида асосий бойлигимиз пахта ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Таъкидланганидек, Марказий Осиё 2 миллион тоннага яқин пахта толаси етиштираётган бўлса, шунинг 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистон ҳисобига тўғри келади. Мамлакатимиз оқ олтин етиштириш жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Қимматли хом ашё Европа, МДҲ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бажонидил харид қилинмоқда. Нью-Йорк учрашувлари пахта хом ашёсини жаҳон бозорига манфаатли тарзда чиқариб сотишда ҳам муҳим омил бўлади. Ҳозирги кунда туманимизда асосий диққат-эътибор пешона тери-эвазига етиштирилган оқ олтинни қисқа вақт ичида нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Терим агрегатлари етарли. Кўзлангандан зиёд ҳосил етилган. Ғўза баргини тўктириш сифатли амалга оширилганлиги туфайли пахталар лўппи-лўппи очилмоқда. Демак, йиғим-теримга бугун-эртага оммавий киришилади. Зангори кема капитанлари мавсумда ҳар бир машина билан камида 120 тонна оқ олтин йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

Суҳбатлашди: Мирғиёс ҚАЮМОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати.

95 ФОИЗИ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ЁРДАМИДА

Табиат деҳқонни ҳар йили синовдан ўтказади. Миришкор омилкор бўлса, шароитга қараб иш тутса, доим кўзлаган ҳосилини олади. Буни узоқ йиллар совхозга директорлик қилган, эл-юртда ҳалол меҳнати билан эътибор топган отам раҳматли доим таъкидлар эдилар.

Бу йил хўжалигимизнинг 2.700 гектар ерида пахта етиштирдик. Шукр, ёз бўйи қилган меҳнатимиз самарасини кўрсатди. Ғўза туплари ҳосил чўғи яхши. Насиб этса, олти минг тонналик хирмонни кўзлаб турибмиз. Яқинда вилоятимиз раҳбарлари бирлашмамиз далаларида бўлишиб, улар ҳам илиқ фикрлар айтишди.

Теримга ёппасига киришдик. Мавжуд 67 та пахта териш машинаси вақтида сифатли таъмирланиб, далага чиқарилди. Ғўза баргининг бир текис тўкилгани, пайкалларда бегона ўтнинг йўқлиги дастлабки кунларданоқ меҳнат унумининг юқори бўлишини таъминлаётир.

Бултур режани ошириб адо этган Турдиали Трусбанбетов, Ўринос Амирқулов, Ибрай Ажибеков бошлиқ звенолар пахтазорларида лўппи бўлиб очилган оқ олтин киши кўзини қувнатади. Улар гектаридан 28—30 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида астойдил ҳаракат қилишаяпти. Илғор механизаторлардан ака-ука Талғат ва Серсенбой Кўчимбетов, Қўчқор Қулжонов, Сафар Келесбоевлар «пўлат этак»лардан кунига 6—8 тоннадан дур тўкишмоқда.

Рўзғордан кўнгли тўқ одамнинг иши баракали бўлади. Шу ақидага амал қилиб хўжалик аҳлини кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга асосий эътиборни қаратганмиз. Гуруч, ёғ, картошка, пиёз, ун, чой, қанд механизаторлар хонадонига элтиб берилди. Иккита кўчма устахона мунтазам ишлаб турибди. Мавсум давомида машина ва механизмларнинг бирон жойи бузилса, дарҳол созланиб, ишнинг тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди.

Ахир кузнинг ёғин-сочинсиз ўтган ҳар дақиқаси ғанимат.

Теримни уюшқоқлик билан ўтказиш ниятида, шунингдек, яна қатор тадбирларни белгиладик. Фориш-дан қўй олиб келиб звеноларга тарқатдик. Ҳар куни тўйтли иссиқ овқат қилинаяпти. Ҳозир машинада йиғиштирилган бир тонна пахтага минг сўмдан, қўлда терилган ҳар килосига 35—40 сўмдан ҳақ тўланаяпти. Бу миқдор аста-секин кўтарилиб бораверади.

Ҳар ўн кунда илғорлар мукофотланаяпти. Мукофотни ҳозирги нарх-навони ҳисобга олиб 25 минг сўм қилиб белгиладик. Мақсадимиз не машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилни нестнобуд қилмай қисқа муддатда саранжомлаб олиш. Унинг камида 95 фоизи «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштирилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳозир ғалвир сувдан кўтариладиган давр. Пахтакорга бу пайтда ҳаловат бегона. Насиб этса, шу кунларнинг ортида фаровонлик бор. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, давлатимиз иқтисодини кўтаришга шу йўл орқали эришамиз. Ҳаммамизни шунга етказсин.

Деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги ошгани сайин кўрсаткичлар ҳам яхшиланаверади. Ширин орзулар оғушида меҳнат қилишнинг ўзгача гашти бор. Бунинг исботи сифатида бирлашмамиз звеноларидан дастлабки хушхабарлар кела бошлади. Демак, биз забт этмоқчи бўлган олти минг тонналик паррага етадиган дақиқалар тобора яқинлашмоқда. Аҳил жамоамиз бунга қодир.

Жахонбой ҚОБИЛБЕКОВ, Арнасой районидаги 14-ажнажа ширкатлар бирлашмаси раиси.

ҚАЛБ ЁҒДУСИ

ОЧЕРК

...Туни билан ёққан ёмғир тонгга яқин тинди. Қуёш бош кўтармай Жилвоннинг сарҳадсиз саҳросида жасорат кўрсатаётган «Осиё»-лик чўлқуварлар билан учрашиш ниятида йўлга чиқдик. Тонгги салқин ҳаво, ғир-ғир эсаётган шабада танга роҳат бағишлайди, ўт-ўланлару чўл чечакларининг хушбўй ҳидидан руҳинг яйрайди. Узоқ-узоқлардан қўй-қўзиларнинг маъраши, чўпон болаларнинг қичқириғи қулоққа чалинади. Машинамиз обод қишлоқлар, сўлим гузарларни ортда қолдириб, Жилвон чўлига кириб боради...

Уфққа туташиб кетган кимсасиз саҳро бугун қандайдир ўлуғвор ва сокин. Қум барханлари ортидан бош кўтараётган офтоб кечаги ёмғирдан яшнаб кетган олмазору ўрикзорлар, боғ-роғлар, кўм-кўк бедазорлар узра нур сочади. Қуёш шуъласидан кумуш томчилар ерга сочилган дуру гавҳарлардек ярқирайди. Гўё кўз олдингда чўл эмас, жавоҳирлар сандиғи тургандек туюлади. Яқин-яқинларда ҳам қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлу биёбон бугун гўзаллик оғушига чулғанган.

— Мана шу серфайз далалардан «Осиё» ширкат хўжалиги бошланади, — дейди ҳамроҳимиз район тадбиркорлар жамияти раиси М. Ортиқов.

Йўлнинг икки чеккаси кўм-кўк бедазор. Беданинг нимпушти гулларидан атроф ифорга тўлган. Ям-яшил кенгликларга, Жилвонда қад кўтарган ва кўтараётган уйларга, боғ-роғларга боқиб тўймайсан киши.

Айниқса бедазорлар... Уларга боққанинг сайин ота-боболаримизнинг бу хосиятли ўсимликка ўзгача меҳр ихлос қўйганликлари хотирга келади ва бу чексиз меҳрнинг сабабини тушунгандай бўласан. Шунда уларнинг ақл-тафаккурига, иқтидори, тадбиркорлиги олдида бош эггинг келади. Чунки бу хушбўй, гўзал манзарали ўсимлик биринчидан ҳавони тозаласа, иккинчидан ўзининг таровати, чиройи билан атрофга файз бағишлаб, инсон кўнглини кўтаради, учинчидан сервитамин, тўйимли озуқа сифатида қишин-ёзин молни тўқ тутади. Моли тўқнинг эса кўнгли тўқ, рўзғори обод, болалари соғлом-баркамол. «Осиё»ликлар бугун боболаридан қолган ана шу муқаддас анъананинг давомчилари бўлибгина қолмай, демак, уларнинг келажаги порлоқ.

— Уйнинг орасталиги дарвозахонадан бошланади, деганларидек, раҳбарнинг салоҳияти, тадбиркорлиги, ерга, элга меҳрдан бошланади, —деб суҳбатини давом эттиради ҳамроҳимиз.

Хаёлларни тарк этиб, хушёр тортамиз.

— Амрулла Тўхтаевни юртга танитган ҳам унинг элга, ерга меҳри. Мақтов деб ўйламангу у директор бўлиб келиши билан чўлга файзу барака, нур кириб келгандек бўлди. Шунинг учун ҳам бир пайтлар кимсасиз, жазирама чўл деб юриниб келадиган бу гўшага бугун яйрагани, дам олгани ташриф буюрамиз. Назаримда унинг бебаҳо қалби биздек саҳрога ҳам файз олиб кирди.

Пўлнинг икки томонидаги мевазор боғларга назар ташлар экансан, тадбиркорлар раҳбарининг сўзи шунчаки мақтов эмас, ҳақиқат эканлигига ишонасан. Ахир чўлда ниҳол экиб, боғ қилиш осон иш эмас. Бунинг учун қишнинг қаҳратон совуқларидан кескир ирода, ёзнинг жазирама иссиқларию гармсел шамолларидан ҳароратли меҳр; баҳорнинг селу дўлларидан, бўронларидан шиддатли жасорат керак бўлади. Жилвондаги ҳар бир дарахт ана шу фазилатларга эга бўлган инсонлар иродасининг маҳсули. Ҳа, Жилвонда лафзи ҳалол, мард, барқарор одамларгина меҳнат қилади. Чунки чўл унчамунча кишини писанд қилмайди, иродасини синдириб ташлайди. «Осиё»лик чўлқуварлар, мард, пок ниятли, ерини севгувчи инсонлардир, шунинг учун ҳам чўл уларга бағрини очди, бебаҳо бойликларини инъом этди.

* * *

Хўжалик идораси шундоққина йўл ёқасида жойлашган экан. Икки қаватли бу кўркам бино атрофи боғу чорбоғ, худди жаннатни эслатади. Анвойи гуллар чўлнинг олов пуркаётган иқлимига парво қилмай, инсон меҳрининг тафтидан баҳра олиб яшнаб турибди. Ҳосилдан шохлари ерга эгилган олмаю шафтоли ниҳоллари бамисоли иқтидорли рассомнинг маҳоратли ишига ўхшайди.

Ширкат хўжалиги директори Амрулла Тўхтаев эндигина дала айланиб идорага қайтган, ҳисобчи билан кечаги ҳосилнинг ҳисоб-китобини қилаётган экан.

Директор бизни очиқ чеҳра билан қарши олиб, қабинетига бошлади ва боққа қараган деразаларни очди. Хона бир пасда чўл шамолига, боғдаги гулларнинг муаттар ифорига тўлди. Шу пайт бир жуфт қалдирғоч хонага учиб кириб, чарх ура бошлади ва чуғурлашаётган полапонлар оғзига насиба ташлаб чиқиб кетди. Ҳайратланиб бир-биримизга боқдик, Амрулла ака ҳайратимизни тушуниб изоҳ берди.

— Икки йилки, бирга «яшаймиз». Директор бўлиб иш бошлаганимга эндигина 2 ой бўлганди. Бир куни ишга келиб, хонани очсам бир жуфт қалдирғоч учиб юрибди. Адашиб келган деб эътибор бермадим. Йўқ, улар меҳмон эмас, мезбон бўлиб хонага жойлашишди. Қалдирғоч хосиятли қуш, у ин қурган гўшага хайр-барака, тўкин-сочинлик, меҳр-оқибат кириб келаркан. Баъзан уларга боқиб, ҳайрон қоламан, жазирама чўлнинг қоқ ўртасида яшашнинг нима кераги бор экан. Бу бир жасоратми ёки инсонга меҳр-оқибатми, билмадим, нима бўлганда ҳам миттигина қушдаги бу курашчанлик мени ўйлатади. Ахир у ҳам сўлим қишлоқлардаги серфайз хонадонларда маза қилиб яшаши мумкин эди-ку.

Директор билан ширкат хўжалиги тарихи ҳақида узоқ суҳбатлашдик.

— Хўжалигимиз 1987 йил ташкил этилди. У асосан ем-хашак етиштиришга ихтисослашган эди. Аммо орадан беш йил ўтиб, у ўзини оқламади. Давлатдан катта қарз эвазига яшаётгани сабабли уни тарқатиш масаласи ўртага ташланди.

* * *

...Ўшанда 1992 йилнинг 20 феврали эди. Амрулла ака Бобур номли жамоа хўжалигининг Жилвон зонасида оддий бригадир бўлиб ишларди. Аммо ўзининг иқтидори, ишбилармонлиги туфайли кимсасиз саҳрода боғ-роғ яратиб улгурган, ҳосилдорлик ҳам йилдан-йилга кескин ошиб борарди. Ўша—қишнинг сўнгги кунларининг бирида у Шофиркон район ҳокими Нурмат Умаровдан ер сўраб кирган эди. Ҳоким қабулига эса «Осиё» лик бир гуруҳ чўлқуварлар хўжаликни тарқатиб юбормаслик таклифи билан келишган ва бу борада қизғин баҳс олиб боришарди.

— Беш йиллик меҳнатимиз ҳавога совурилиб кетмасин. Яхшиси бизга ишбилармон раҳбар беринг. Токи у одамларнинг бошини бир ерга қовуштирсин, ишлайман деганга имкон яратсин, лозим пайтда деҳқонга мададкор бўлсин.

Ана шундай раҳбар эса, ўз оёғи билан ҳоким қабулига ҳеч нарсадан бехабар кириб келган эди. Чўлқуварлар унга кўзлари тушиши билан яна жонланишди, қаддиларини тиклаб ҳокимга мурожаат этишди.

— Бизга Амрулла Тўхтаевни директор қилиб тайинланг.

Чўлқуварлар ҳокимдан розилик олиб, Амрулла акани ҳайратда қолдириб кабинетни тарк этишди. Район ҳокими, пахта илмининг донишманди Нурмат Рамазонович узоқ йиллардан бери Амрулла акани танир, айниқса бир вақтлар мусобақадош хўжалик раҳбари сифатида уни синовдан ўтказган ва раҳбарлик иқтидори, билими ва иш юритиш салоҳиятига тан берган эди. Мана шундай тадбиркор раҳбарнинг оддий бригадир бўлиб ишлаётганидан ҳаддан зиёд эзиларди. Қанчалик масъул вазифаларни таклиф этмасин, Амрулла Тўхтаев барини рад этди. «Оддий яшамоқчиман» деб кўнмади. Бугун эса... Ҳоким унинг розилигини олмай, чўлқуварларга ваъда бериб юборди. Кабинетда икковлари ёлғиз қолганларида ҳоким салмоқланиб сўз бошлади.

— Бу гал ҳам таклифимни рад этсангиз мен эмас, сиздан беш йил меҳнат қилиб, роҳат кўрмаган чўлқуварлар— халқ норози бўлади. Сизни раҳбарликка мен эмас, халқ тавсия этаяпти. Агар халқнинг сўзи ерда қолсин десангиз майли...

Шу куни тушдан кейин хўжалик чўлқуварларининг умумий йиғилишида Амрулла Тўхтаев бир овоздан директорликка сайланди. Район ҳокими Нурмат Умаров йиғилиш тугагач, Жилвондан қайтаркан, Амрулла акага ҳазиллашди.

— Ер керак бўлса ана бутун Жилвонни сизга бердик. Энди неларга қодирлигингизни кўрсатинг.

Амрулла Тўхтаев эса неларга қодирлигини бир йилда амалда исбот этди. Давлат хўжалиги 1992 йилда барча қарзлардан қутулиб, иқтисодини тиклади. Амрулла Тўхтаев бундай муваффақиятга қандай эришди, унинг иш мезонини нималар ташкил этарди? Маълумки, ҳар қандай фаолият ҳам бир нарсада устивор намоён бўлади. У ҳам бўлса одамларга таяниб, уларнинг юрагига йўл топиб, ҳақиқатга тик боқиб яшаш ва ишлашдир. Бунга амал қилмаган раҳбар қанчалик тадбиркор, билимли бўлмасин барибир фаолиятини узоқ давом эттиролмайди. Амрулла аканинг эса фалсафаси элга бош бўлиш эмас, балки унинг дардига малҳам бўлиш, оғирини енгил қилиш, меҳнати, иқтидори билан халқни эзгулик манзилига бошлаш эди.

— Залворли фикрлар ҳамиша оддийлик замирида туғилиб, сўнгра ҳаётга кўчади,— дейди Амрулла Тўхтаев. — Шунинг учун ҳам мен ҳамиша халқ ичида бўлишга, элнинг тўю маъракасида қатнашишга интиламан.

Амрулла Тўхтаев куч-қудратни оддий халқ нигоҳида, меҳнатида кўрди, оғир кунларда уларга суянди, маслаҳат олди. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидек, хўжалик боғларига яна барака инди. Деҳқон қаддини кўтарди. Янгидан 100 гектар боғ-токзор ташкил этилди, буғдойзорлар кенгайтирилди қоракўлчилик йўлга қўйилди. Айни кунда хўжаликда 864 гектар ер майдони бўлиб шундан 210 гектар боғ 20 гектар узумзор, 194 гектар пахта, 130 гектар буғдойзор, 82 гектар бедазор мавжуд. Барча майдонлар ижарачиларга бўлиб берилган.

Хўжалик жорий йилнинг 7 январидан биринчилардан бўлиб давлат тасарруфидан чиқиб, ширкат хўжалигига айлантирилди. Шу ҳисобдан ортиқча иш ўринлари қисқартирилди. Бир йил олдин 40 киши иш юритувчи сифатида фаолият кўрсатган бўлса, бугун шу ўринда 13 киши ишламоқда. Хўжаликда бригада, табелчи деган гап йўқ қилинди. Бу вазифалар марказлаштирилиб, бевосита ижарачи зиммасига юклатилди. Бундан биринчи навбатда хўжалик катта наф кўраётган бўлса, энг асосийси деҳқон ўз меҳнатининг самарасига тўла эга бўлмоқда. Қисқаси ерга эгалик туйғуси қули қадоқ деҳқонга манфаатдорлик ато этди. Қачонки инсон манфаатни ҳис этса, хотиржам бўлади. Хотиржам кишининг эса меҳнати баракали, рўзғори обод, болалари баркамол бўлади.

* * *

Жилвон далаларини айланган сари, дилинг очилади. Рақамларга назар ташлаб, ижарачилар сўзига қулоқ тутар экансан, ҳақиқат қаршингда юз кўрсатади.

Исроил ИСЛОМОВ, — ижарачилар бошлиғи:

— Илк бор иш бошлаганимизда, бу ерда битта оддий капа бор эди. Атроф бийдек саҳро, қамишзору тўқайзор. Кечалари шамолга қўшилиб, қашқиру чиябўрилар увлаб чиқарди. Қишда совуқ, туфласанг туфугинг ерга тушмайди. Ёзда иссиқ гармсел кўз очирмайди. Қишлоқдан қатнаб ишлаймиз. Эрта тонг хўроз қичқирмай йўлга чиқамиз, қош қорайгач қайтамиз. Саҳро осонликча таслим бўлгани йўқ. Мана бу қаршингизда чайқалиб турган боғларнинг ҳар бир шох-шаббасида инсон меҳнати, иродаси, мужассамлашган. Шунинг учун ҳам бизга унинг ҳар қарич муқаддас.

Барча машаққатлар ортда қолди. Бугун ишчи-хизматчиларимиз учун зарур шароитлар яратилган. 4 та автобус билан ишга қатнаймиз. Хўжалигимизда янги турар жой бинолари, боғча, мактаб қурилмоқда. Кейинги бир йил ичида 4 та барча қулайликка эга бўлган уй қурилиб, энг илғор ишчиларимизга тақдим этилди.

Ишчи-хизматчиларимизни бугунги бозор иқтисодиёти даврида ижтимоий ҳимоя қилиш ниятида хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулот ҳисобидан арзон нархда гўшт, узум, буғдой, ёғ билан таъминлаяпмиз. Яна маҳсулот айирбошлаб, чўлқуварларимизга ҳамкору ҳамнафас бўлаяпмиз. Қорақалпоғистон Республикасига узум жўнатиб, эвазига гуруч олиб, ҳар бир ишчига тақсимлаб бераяпмиз.

Маълумки, қурилиш материаллари бугун тақчил. Янги уй-жойлар барпо этилаётган хўжалигимизга эса у сув билан ҳаводек зарур. Шуни ҳисобга олиб россиялик ўрмончилар билан алоқани йўлга қўйдик. Биз уларга сифатли майиз, туршак етказиб берамиз, эвазига эса арзон нархда қурилиш материаллари олаётирмиз. Инсон манфаат кўрган жойга интилади, шунинг учун ҳам бугун хўжалигимизда ишлашни хоҳловчилар сони ортиб бормоқда.

Ёдгор ЭРГАШЕВ, — иш юритувчи:

— Биз 12 киши, битта жамоа бўлиб меҳнат қилаётирмиз. 70 гектар ер майдонимиз бор. Шундан 17 гектарига пахта, 20 гектари боғ, 30 гектар беда, қолганига дон экканмиз. Ҳозиргача 10 миллион сўмлик маҳсулот сотдик. Жумладан 2 миллион сўмга кўк ўт, 692 минг сўмлик сомон, 2 миллион 995 минг сўмлик буғдой, 1 миллион сўмлик узум етиштирилди.

Мустақиллик деҳқонга ўз меҳнатининг самарасини кўришдек бахтни насиб этган экан, деҳқон ҳам мустақилликни мустаҳкамлашдек умумхалқ ишига ўзининг ҳалол меҳнати, фидокорлиги билан камарбаста бўлади.

Рамазон ШОДИЕВ, —ижарачи:

— Деҳқон ўз хўжалигида етиштираётган маҳсулотини қийналмай харидорга етказар экан, у эртага бугундан самаралироқ меҳнат қилади. Маҳсулотини ўзига керакли нарсаларга айирбошлаш имконини қўлга киритар экан, эртага унинг парвози янада баланд бўлади. Эрк туфайли биз ана шу имкониятларни қўлга киритдик. 10 гектар узумзорни ижарага олиб, оиламиз аъзолари билан меҳнат қилаяпмиз. Ҳар гектар токзордан 40 центнер ўрнига 50 центнердан узум олдик. Сизнинг назаргингизда бу бироз кам туюлиши мумкин. Аммо унутмангки, биз чўлда меҳнат қилаяпмиз, яна боғимиз янгидан ташкил этилган, ҳали барча токлар ҳосилга кирган эмас. Сизга мақтаниш бўлса ҳам бир гапни айтай, Жилвон узумини емабсиз дунёга келмабсиз, айниқса майизи тилни ёради. Шунинг учун ҳам бугун бизнинг маҳсулотга хорижлик ишбилармонлар ҳам харидор. Биз эса ҳозирча россиялик биродарларимиз билан ўзаро шартнома асосида маҳсулот айирбошлаяпмиз. Илло эртага чўл дурдонамиз билан дунё бозорига чиқамиз.

Фароғат ҚАЮМОВА, — ижарачи:

— Хўжалигимиз асосан дончилик ва узумчиликка ихтисослашган бўлса-да, 194 гектар ерга пахта экканмиз. Чунки ўзбекни бугун пахтакорлик касбисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эсимизни таниганидан бери пахтазордамиз, усиз ҳаётимизни тасаввур қила билмайман. Шунинг учун ҳам 4 гектар ерни ижарага олиб, чигит экдик. Ҳалол меҳнатимиз, барча саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмади. Мўл ҳосил тўпланди. Насиб бўлса, гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиб-териб оламиз.

Илёс РАЖАБОВ, — чўпон:

— Биз уч ака-укалар қарамоғимиздаги 450 бош қўйнинг ҳар юзтасидан 103 тадан соғлом қўзи олдик. Қўзиларнинг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Қўйчилик етти хазинанинг бири. Ота-боболаримиз азалдан бу касбга меҳр билан қарашлари ҳам бежиз эмас. Чунки бу беозор жониворнинг йилдан йилга кўпайиб, бойлигингга бойлик қўшади. Тасаввур қилинг, 1992 йили отаримизда 450 бош қўй бўлса, бу йил унга 300 бош қўшилди. Йил ўтмай яна шунча қўшилади. Яна қўйдан ҳар йили 2 марта (1 килодан) жун қирқиб олинади.

Ана бойлигу мана бойлик. Энди бизга бу бойликни ишлатиш учун эп керак, уқув керак. Хўжалигимиз директори Амрулла Тўхтаев эса тадбиркор раҳбар, ишнинг кўзини биладиган инсон, яна биз меҳнаткашларга қайишади, қадримизни баланд тутади. Унинг айтишича, яқин йиллар ичида хўжалигимизга хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қоракўл тери ва жунни қайта ишлайдиган қўшма корхона қурилармиш. Илло, яхши кунлар олдинда. Уни юртим, элим деганлар яратажаклар.

Ҳақиқатдан ҳам бугун Амрулла Тўхтаевнинг саъй-ҳаракатлари билан, ишбилармонлиги билан ширкат хўжалигида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркор раҳбар бошчилик қилаётган хўжалик далаларини айланар экансиз, дилимизни бир хижиллик, тўғрироғи армон ўртайди. Чунки шундай уддабурон, ақл-фаросатли раҳбар ҳам 1985 йилда пахта иши муносабати билан адолатсизлик қурбони бўлган эди. Директордан бу ҳақда сўзлаб беришни сўраганимда у:

— Ҳадеб ўтмишни эслаш, одамни катта ишлардан чалғитади. Келинг яхшиси, ўтмишни эмас, бугуннинг иши, кураши, ғояси ҳақида гаплашайлик, — деди.

Директор ўтмишни эслашни истамаса-да биз газетхонларга тушунарли бўлиши, бу одам ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари учун ўша кунларни эсладик.

* * *

...Унда Амрулла Тўхтаев эндигина иш бошлаган агроном эди. Ўша пайтдаги жамоа хўжалиги раҳбарларининг лоқайдлиги, ўз ишига совуққонлик билан қараши, умум манфаатидан ўз ҳузур-ҳаловатини устун қўйиши натижасида Куйбишев номли (ҳозирги Бобур) жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан жар ёқасига келган, колхоз давлатдан катта миқдорда қарз бўлиб қолган эди. Иқтисодий ночорлик меҳнаткаш рўзғорини хонавайрон қилиб, бори-будидан ажратганди. Йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, қадди букилган деҳқон, йил охирида икки қўли бўм-бўш чиқарди. Бу эса унинг ҳаётида нохуш из қолдирарди.

Шундай оғир пайтда Амрулла Тўхтаев хўжаликка ранс бўлиб келди. Мутасадди ташкилотлар, масъул раҳбарларни ҳоли-жонига қўймай (Шофирконда биринчи бўлиб) хўжаликнинг барча майдонларига ингичка толали пахта экди. Оқ пахтага нисбатан кўп меҳнат талаб қиладиган ингичка толали пахта деҳқон меҳри, ишбошининг билими, ақл-тафаккури билан деҳқонга ўз саховатни ҳадя этди. Кучлар бирлаштирилган жойда ҳамиша зафар мушарраф бўлганидек, хўжалик қимматбаҳо хом ашёдан катта даромад олиб, барча қарзларидан қутилди. Йил якунида пахтакорнинг қўли ҳам пул кўрди. Халқ ўз халоскорига ишонди ва унга эргашди. Орадан беш йил ўтиб, қарздор хўжалик миллионер колхозга айланди. Даромадга яраша буромад деганларидек, халқнинг турмуш маданияти юксалди, янги мактаблар, болалар боғчалари, шифохона ва клублар, дала шийпончалари қурилди. Йўллар асфальтланди. Лойиҳа асосида шинам уй-жойлар қурилиб, илғорларга арзон нархда ҳадя этилди. Хўжалик илғорликда нафақат Бухорода, балки мамлакатда танилди. 2 та автобус билан мукофотланди. 10 йил халқ манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳалол меҳнат қилган фидойи инсон 1984 йилда ҳақсизлик «қурбон»и бўлиб, пахта иши билан қамалди. Аммо халқ ўз халоскорини унутмади, унинг номини ҳамиша ҳурмат билан ёд этди, унга содиқ қолди. Унинг иши бўйича марказдан юборилган терговчи 800 нафар кишини сўроқ қилди. Уларнинг бари раҳбарнинг ҳақ эканлигини айтди, барча у томонда турди. Адолатни синдирмоқчи бўлганларнинг ўзи «синиб» кетди. 3 йил ноҳақ жабру жафолар чеккан Амрулла ака айбсиз деб топилиб, қамоқдан озод этилди. Халқ уни яна раис қилиб кўтармоқчи эди, кўнмади. Аммо тақдирини таваккал ҳукмига топширib, қўл қовуштириб ўтиргани ҳам йўқ. Чўлга чиқди. Янги ерларни ўзлаштириб, боғ-роғлар, пахтазорлар барпо этди.

Ҳақиқат, адолат яна тикланди. Амрулла ака ҳам ўз меҳнати, билими, ақл тафаккури билан ўз тақдирини яратди. Кимсасиз чўлга ҳаёт олиб кирди. ишбилармонлигидан кўнгиллар нурафшон бўлди.

Ҳа, улуғларимиз айтганларидек юраклар бир-биридан қўр олган жойда нурлар янада ёрқинроқ жилоланади. Унинг ёғдусидан нафақат теварак-атроф, балки бутун олам ёришади. Амрулла Тўхтаев бошчилигида фаолият кўрсатаётган Жилвон жиловкорларида ана шундай нур бор. Илло бу нур эртага бутун ўзбек диёрини ёритгай, ўзбекнинг номи ва шони бўлиб жаҳонга чиққай. Нима бўлганда ҳам бу кунлар тарихий лаҳзалардир. Улар абадият китобида олтин ҳарфлар билан ёзилгай. Тарих сўзи барҳаётдир. «Осиё»ликлар ҳам ўз меҳнатлари, лешона терлари билан ўз тарихларини яратмоқдалар.

Амина ҚОДИРОВА.

Бешариқ тумани пахтакорлари ялпи пахта йиғим-теримини қизғин олиб бормоқдалар. «Рапқон» жамоа хўжалигининг Эркин Бошмонов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари пешқадамликни қўлдан бермай келишаётир. Бригадада кўпмингкилограммчи теримчилар кўп. Шулардан бири Жўрахон Турановадир. Моҳир теримчи ўтган йили давлат хирмонига тўрт ярим тонна «оқ олтин» тўккан эди. Бу йилги мавсумда Жўрахон беш тонна пахта териб беришга аҳд қилган.

СУРАТДА: чевар теримчи Жўрахон Туранова.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

* * *

Хуррам Давлатов Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги 47-автокорхонага қарашли «КамАЗ» автомашинасини бошқаради. У зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида адо этиш ҳамда ҳалоллик билан меҳнат қилиш туфайли жамоада обрў орттирмоқда. Айни дамда Хуррамжон «КамАЗ»ни қўшимча таъмирларсиз, умрини узайтириб тежамкорлик билан ишлатаётир.

СУРАТДА: пешқадам ҳайдовчи Х. Давлатов.

В. КИРИЛЛОВ суратга олган.



ЧЎЛҚУВАРЛАРГА ТУҲФА

Қирққизободлик чўлқуварлар кўп йиллардан буён тоза ичимлик сув ичишни, уйларида газ ёнишини орзу этишарди. Президентимизнинг аҳолини сув ва газ билан таъминлаш ҳақида чиқарган фармони хўжалик раҳбарларининг диққат-эътиборини ана шу муҳим масалани тезроқ ҳал қилишга қаратди.

Қорақалпоғистондаги «Қирққизобод» жамоа хўжалигида кейинги икки йил ичида аҳолининг 75—80 фоизи ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 1993 йилнинг ўтган қисқа даврида 12 километр масофага газ қувурлари ётқизилди.

Марказий кўчада истиқомат қилувчи 50 дан зиёд хонадон уйида газ ёнди. Шу кеча-кундузда газлаштириш ишлари жадаллаштирилмоқда.

Б. ДУСТЧОНОВ.

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Чироқчи туманидаги «Чироғ» давлат хўжалигида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш борасида бир мунча ишратли тадбирлар амалга оширилаётир. Яқинда хўжаликнинг Оқтўғли қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган тиббиёт маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қўш қаватли бу муҳташам бинони туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган 535-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишди. Даволаниш марказида терапия ва педиатрия бўлимлари мавжуд бўлиб, кунига 70 нафар беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

НАМАНГАН НЕЪМАТИ

● Наманган консерва заводи кичик идишларда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди.

Илгари бу ерда помидор пастаси, мураббо, тузламалар уч литрли шиша идишларда чиқарилар эди. Энди ярим литрли ва бир литрли банкаларда сотиб олиш ва фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Бу йилги мавсумда ўтган йилдагига нисбатан 400 тонна мева қайта ишланди. Маҳсулотнинг бир қисмини бинокорлик материаллари ва халқ истеъмоли молларига алмаштириш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

Қишлоқ саноати корхоналарида

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРИ

Республикамизда спорт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бармоқ билан санарли. Шулардан бири Балиқчи районидаги Хўжаобод қишлоғида жойлашган. Спорт буюмлари фабрикасида ҳозирда ярим мингга яқин киши ишлайди. 56 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Кейинги икки-уч йил ичида фабрикада жуда катта ўзгаришлар қилинди. Ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Меҳнат шароити яхшиланди. Камёб халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бошланди, Қаранг, яқин-яқинларгача футбол ва волейбол тўри бошқа жойлардан республикага келтирилишини гапирсангиз, кўпчилик ишонмайди. Ҳозир бу ерда шундай тўрлар тўқилмоқда.

Бугунги мураккаб ва иқтисодий оғир шароитда фабрикани узлуксиз ишлаб туришига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўп. Шунга қарамай хом ашёдан тортиб асбоб-ускуналар қисмлари-ю, бошқа керакли анжомлар топиб келинмоқда. Одамлар ўз вақтида ойлик маошларини олиб турибдилар. Уларнинг баракали ишлаши учун шарт-шароит яратилган. Икки йилдирки, ишчилар фабрика ошхонасида бепул овқатланмоқдалар. Ишга келиш, ишдан кетиш учун транспорт бепул хизмат қилади. 72 ўринли болалар боғчаси ишчиларнинг фарзандлари учун корхона ҳисобидан ишламоқда.

— Шароит яратилса унумдорлик юқори бўлаверади,— дейди фабрика директори Убайдулло Тошбоев. —Янги ўқув йили арафасида ишчиларимизнинг мактабга борадиган ҳар бир фарзандига бепул форма, сумка, ва дарсликлар топиб келиб тарқатдик. Бу ғамхўрликдан нафақат ишчиларнинг, ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўлди. 95 ўринли боғча қурилиши битиш арафасида. Йил охиригача 128 ишчи ўрни ҳозирлаяпмиз. Чунки кун сайин фабрикада ишлашни ҳоҳлаб бизга мурожаат қилаётганлар кўпайиб бормоқда.

Республика Президенти И. Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларига доир нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «Ҳозирда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, маиший хизматга жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўналишидир. Қишлоқ жойларига, лўнда қилиб айтганда, саноатни олиб келиш зарур. Замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устивор вазифадир. Булар қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналаргина эмас, балки сермеҳнат, шу жумладан касаначиликка асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчиликлари ҳам бўлиши керак». Бу сўзлар фабрика раҳбариятига дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Яқинда Охунбобоев жамоа хўжалиги ҳудудида фабриканинг «Қалдирғоч» деб номланган бўлими очилди. У ерда ҳам спорт буюмлари тикилади. Натижада 30 нафар ишчи ўз маҳоратларини кўрсатиб ишлашига имкон туғилди. Бўлимга киришга кўплаб ёш оилалар сони кўп бўлгани учун кўрик-танлов асосида ишга қабул қилинди.

Касаначилик билан 184 нафар аёл шуғулланмоқда. Улар ҳам спорт буюмлари тайёрлаш билан машғул. Фабрика маъмуриятининг ёзилмаган қоидаси бор: «Ҳалол меҳнат қилган бирор кимсанинг дили оғримайди». Шу боисдан яқинда яна бир савобли тадбир ўтказилди. Фабрикада ишлаб нафақага чиққанларга пул мукофоти ва биттадан гилам берилди. Албатта, аҳолининг энг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш савобдир. Устига-устак, ишчига қилинган ҳар бир ғамхўрлик, мурувват ишлаб чиқаришда ўз самарасини беради. Мана, маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик режаси 116 фоизга уддаланди. Шартнома бўйича буюртмачиларга маҳсулот етказиш юз фоизга бажарилди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 37,5 сўмданни ташкил этди.

Фабрика бош сифат назоратчиси А. Қозоқовнинг маълум қилишича, йил бошидан бери ишлаб чиқарилиб халқ эҳтиёжини қондириш учун турли база ва корхоналарга жўнатилган маҳсулотлар ҳақида бирор марта ҳам эътироз бўлмаган. Ҳеч қандай жарима ҳам тўланмади. Кундан-кунга маҳсулотларга республикадан ташқарида ҳам харидорлар кўпаймоқда.

Корхона спорт буюмлари ишлаб чиқаргани боисидан ҳам «Чинобод» футбол жамоасини ўз ҳомийлигига олган. Жамоага бир миллион сўм ёрдам пули берилди. Мустақилликнинг икки йиллиги арафасида 90 нафар ишчи-хизматчи Самарқанд, Бухорога саёҳатга боришди. Сафар сарф-харажатларини фабрика ўз ҳисобидан ажратди. Андижон тиббиёт олий илмгоҳи билан шартномага кўра 2-шаҳар клиникасида 4 бемор ўрни учун маблағ сарфланди. Вақтинчалик соғлиғини йўқотганлар ҳеч қандай муаммосиз даволаниш имконига эга. Қаранг-а, кичкинагина саноат корхонасида олиб борилаётган бундай ишларни ҳар қанча олқишласа арзийди.

Албатта, шу кунда хайрли тадбирларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик бор жойда одамларнинг кўнгиллари тўланаверади.

Қ. ДИЛМУРОДОВ.

УСАН ОТА «МЎЪЖИЗАСИ»

Одатда ёнғоқ деганда тарвақайлаб ўсадиган, пурвиқор кўринишли, сершох, сербарг дарахт кўз олдимизга келади. Меваси катта ё кичик, думалоқ ё узунчоқ, лекин қўш паллали, мағзи ширин. Буни ҳамма билади. Балки у жуда секин кўкаришидан, саккиз-ўн йил деганда ҳосилга киришидан ҳам хабарингиз бордир. Биз ҳам шундай деб ўйлар эдик, аммо сурхондарёлик Усан ота «мўъжиза»сини кўриб, ҳайратда қолдик.

Аввало отахон билан яқинроқ танишинг: Усан Жабборов роса олтмиш бешинг устида, Жарқўрғоннинг «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида яшайди. Хизмат жойи қўшни Қумқўрғон районида халқ таълими бўлими. Муборак Пайғамбар ёшидан ошганига қарамай, кексаликни тан олгиси йўқ, ҳамон «кўз очиб кўрган» касби — иқтисодчилик қилади. Шопмўйлови ярашган юз-кўзидан, пишиқ жуссасидан ғайрат ёғилади. Уйли жойли, болали-чақали, ували-жували.

Усан ота олти йилдан бери ҳовлисида ёнғоқ экиб, кўчат етиштиради. Ҳайратланарлиси шуки, ўттиз-қирқ сантиметр келадиган бир йиллик мурғак ниҳоллар ҳам мева тугади. Чинакам мўъжиза! Ахир саккиз-ўн йил кутиб юрмай, эккан йилиёқ ёнғоқ ейсиз-да.

— Бўлган воқеани айтсам балки ишонарли туюлмас, — деди отахон тортиниб.— Бир куни ухлаб ётиб, оппоқ кийинган нуронийни туш кўрдим. У менга: «Тур, дарахт тагига бориб қара, катта бойлик турибди» деди. Уйғониб ҳалиги жойга бордим. У ерда икки дона ёнғоқ турган экан. Олиб келиб ҳовлига экдим. Ўшанда куз эди, кўкламда иккаласи ҳам кўкарди. Қаранг, шу йилиёқ ҳосил тугса бўладими?! Ўзим ҳам, кўрган-билганлар ҳам ҳайрон. Ёнғоқларни қадасам яна ўша ҳолат такрорланди. Меваси кўпроқ қўша, пўчоғи юпқа, мағзи ширин. Шундан бери кўчатини кўпайтириб, сўраганларга бераяпман.

Яна бир жиҳати, Усан ота етиштирган ниҳоллар жой танламайди. Қўшни районлардан, Қашқадарё вилоятидан, Тошкент шаҳридан, қардош Тожикистондан келиб олиб кетишди. Ҳаммалари кўчатлар тўлиқ кўкарганлигини мамнун таъкидлашади.

— Икки йил бурун уч туп келтириб эккандим, — дейди Қарши районидаги Чўли ота номли жамоа хўжалигида яшовчи Шопўлат Раҳимов. — Ўшанда 15—20 сантиметрли бир йиллик кўчатлар эди. Дастлабки йили 1—2 та, бу йил 10—15 та мева тугди. Афтидан Усан отанинг ёнғоқ экишида қандайдир хосият бор.

Усан Жабборовдан ниҳол олиб ўз ҳовлисида ўстираётган Қумқўрғон район халқ таълими бўлими мудири Абдумажид Тўраев, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий маҳалласида турувчи Турғун Маҳсумов, Шаҳрисабз районидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигининг Кичик Норқи қишлоғида истиқомат қилувчи Болта Раҳимов ва бошқалар ҳам шундай фикр билдиришди. Усан ота кўчат етиштиришда бирон сир-синоат бўлса бордир, аммо бизни бошқа нарса ўйлантиради. Бир-икки йилда ёқ ҳосил берадиган бундай ёнғоқларни ҳамма жойда экса дастурхонимиз тансиқ неъматга тўкин бўларди. Эл ризқи—ёнғоқзорларни кўпайтириш учун олийҳиммат отахон Усан Жабборов ҳар қанча кўчат етказиб беришга тайёр.

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТ, Эргаш ИБРОҲИМ.

Мухлисларингиз эътиборига

Ҳурматли Панжи Жўраев!

Сизни «Қашқадарётранс» бирлашмасига қарашли Нишондаги 132-автотранспорт корхонаси жамоаси, барча ҳамкасбларингиз ва қадрдонларингиз номидан таваллуд топган кунингиз муносабати билан қизғин муборакбод этамиз. Одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи шарафли касб эгалари сафида сидқидил меҳнат қилиб келаётганлигингиз жамоамиз томонидан ҳамиша эътироф этилади.

Сиз учун ғоят қувончли кунларда қутлар эканмиз, йўлингиз доимо бехатар бўлишини, турмуш ўртоғингиз Пардахол Ўрозова билан тўрт нафар бир-биридан ширин фарзандларингизнинг орзу ҳавасини кўришларингизни ният қиламиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз.

Қадрли Турсун Ҳасанов!



Меҳнат фаолиятингизнинг 25 йиллиги ва туғилган кунингизга 45 йил тўлиши муносабати билан Қарши тумани ўқувчилар уйи жамоаси, барча ҳамкасбларингиз ва ёр-биродарларингиз номидан йўлланаётган ушбу қутловни қабул этинг. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳисобланган ёш авлодни истиқлол анъаналарига содиқ ва унга муносиб этиб тарбиялаш йўлида янгидан-янги ижодий муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Сиз жамоамизга оқилона раҳбарлик қилиш билан бирга рафиқангиз Саломатхон опа Қудратова билан олти нафар фарзандни замонамизга муносиб қилиб тарбиялаб, бу борада ҳам барчамизга ибрат бўлаяпсиз. Аҳил оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилар эканмиз, хонадонингизда доимо хурсандчилик кунлари бўлишини ният қиламиз.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **Наманганда Семашко номидаги соғлиқни қайта тиклаш ва физиотерапия тиббиёт илмий-тадқиқот институтининг филиали очилди. «Намангангаз» ишлаб чиқариш бошқармаси бу марказ қурилиши ва жиҳозси учун 40 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфлади.**

Филиалда 120 ўрин бор. Бу ерда юрак, нафас йўли, асаб касалликлари даволанади. Врачларнинг барчаси илмий тадқиқот ишлари билан машғул. Беморлар дори-дармондан ташқари, ҳар хил шифобахш гиёҳлар, игна ҳамда қуёш нури билан ҳам даволанади.

● **Қарши шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимининг саъй-ҳаракати билан 48 та уй боғчаси ташкил этилди. 60 нафар тарбиячи иш билан таъминланди. Шаҳарда кичкинтойларни боғчага жойлаштириш муаммоси ҳал бўлди.**

● **Шароф Рашидов районида 9-синфни битирганлар учун ҳунар ўргатадиган мактаб очилди.**

1-мактабларароқ ўқув-ишлаб чиқариш комбинати негизида ташкил этилган бу янги мактабга ўқувчилар тест усулидаги имтиҳон орқали қабул қилинади. Мактабни тугатганлар етуклик шаҳодатномасини олиш билан бирга касб ҳам эгаллаб чиқади.

● **Қўқон чарм-хром ишлаб чиқариш бирлашмасида машина ҳайдовчилар учун махсус пойабзал — автомакосин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ил охиригача 13 минг жуфт шундай пойабзал савдога чиқарилади.**

● **Андижон вилоятининг Заврақ қишлоғи четида, автомобиль шоҳини етиб бормайдиган жойда райондараро силкасалликлар шифохонасининг янги муолажа комплекси қад кўтарди. Бу ерда тиббий ходимлар ва беморлар учун яхши шарт-шароит яратилган.**

Шинам бўлмалар, дам олиш хонаси ҳамда хорижий асбобускуналар билан жиҳозланган саломатликни тиклаш маркази беморларга хизмат қила бошлади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида юздан ортиқ киши даволанади. Яхши овқатланиши лозим бўлган беморларни доимий равишда парҳез маҳсулотлар, шунингдек сабзавот ва мева билан таъминлаш учун шифохона ҳудудида чорвачилик ва паррандачилик фермалари бўлган ёрдамчи хўжалик ташкил этиш режалаштирилмоқда.

● **Сирдарё вилояти мактабларида экология дарси ўтила бошлади. Ўқув 7—11 синфларда ҳафтасига бир марта ўтказилмоқда. Дастурда Ўзбекистон табиати, уни асраш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат, вилоятдаги экологик аҳвол масалаларига катта ўрин берилган.**

ИСЛОҲОТ МАВЗУСИДАГИ РИСОЛАЛАР

«Меҳнат» нашриёти жамоаси томонидан қишлоқ хўжалиги ходимларига, шу соҳа мутахассисларига, қолаверса ўқув юртларининг талабаларига кўп йиллардан бери хилма-хил рисолалар, ўқув қўлланмалари, мутахассис олимлар яратиб бераётган кўплаб тадқиқот ишларининг натижалари чоп этилиб келинмоқда. Бу илмий-тадқиқот асарлари мутахассисларга яқиндан ёрдам бераяпти. Бу йилги нашрдан чиқарилган китоблар ҳам ўзининг ранг-баранглиги билан яққол кўзга ташланиб туради.

«Пахта хом ашёсини етиштиришда янги технологиянинг асосий моҳияти» рисоласи Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси Р. Ҳусановнинг қаламига мансуб бўлиб, у пахта агротехникаси билан боғлиқ кўп йиллик тадқиқотларнинг якуни сифатида юзага келган. Рисолада атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаб қолган ҳолда пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтиришда янги технологиянинг аҳамияти ёритилган. Асар қишлоқ хўжалиги мутахассислари, пахта етиштирувчи хўжаликларнинг раҳбарлари, бўлим бошқарувчилари ва барча пахтакорларга мўлжалланган.

Муаллиф пахта етиштиришнинг мавжуд технологиясини ўзгартириш зарурлигини асослайди ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаб қолган ҳолда тупроқ ҳамда ўсимликнинг ички имкониятларини мумкин қадар кўпроқ ишга солишга ёрдам берадиган янги технология тўғрисида сўз юритади.

Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг талабалари учун дарслик сифатида профессор Ж. Шопўлатовнинг «Ветеринария асослари» китоби чоп этилди. Ушбу дарслик қишлоқ хўжалик институтларининг зоотехния, қорақўлчилик, паррандачилик, мўйначилик бўлимлари талабалари учун Ўзбекистоннинг минтақаларини ҳисобга олиб ёзилган. Ветеринария хизмати зоотехник ишлари билан жуда ҳам алоқадор ва мужассамлашган ҳолда бирга бажарилади. Ветеринария мутахассислари, зооинженерлар, ёрдамчи зоотехниклар биргаликда чорва молларининг соғлиғини таъминлаш, бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш мақсадида уларни озиқлантириш, боқиш, асраш ва шу каби қатор муҳим ишларни бажаришади. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти кафедраларида тўпланган материаллар, илғор чорвадорларнинг тажрибалари, шунингдек, муаллифнинг кўп йиллик иш фаолияти асосида ёзилган бу ўқув қўлланмаси малакали чорвадор мутахассисларни кўплаб тайёрлашда қўл келади.

О. Жалилов, Т. Яминовларнинг рисоласи. «Юлдуз» ғўза нави ва унинг агротехникаси ҳақида бўлиб, асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институти ғўза гетерозияси ва селекцияси лабораториясининг узоқ йиллар олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси — «Юлдуз» ғўза навининг афзалликлари, ўзига хос ўсиш даврлари хусусида маълумот берилади.

Шунингдек, унда республикамиз ҳудудларидаги баъзи пахтачилик хўжаликларининг илғор иш тажрибаларидан ибратли мисоллар келтирилади. Рисола қишлоқ хўжалиги институтларининг толибларига, мутахассисларга, пахтачилик хўжаликларининг раҳбарларига, ходимларига ва агрономларга мўлжалланган.

Шунингдек, Э. Эргашев, Т. Абдураҳмоновлар нинг «Чорва молларининг гельминтоз касалликлари» китоби, муаллифлар жамоаларининг «Қишлоқ ва бозор: ўтиш даври аграр-иқтисодий муаммолари», «Чорвадорнинг ён дафтари» китоби ва нашрдан чиққан бошқа рисолалар қишлоқ хўжалиги раҳбарларига, мутахассисларга, олий билимгоҳларнинг талабаларига мўлжалланган бўлиб, чорвадорлар, фермерлар, ишбилармонларга дастўриламал бўлиб хизмат қилади.

Р. ОРИПОВ.

САҲНАДА ЖОНЛАНИШ

Пахта йиғим-терими мавсуми авж олаётган шу кунларда вилоят театрларининг ижодкорлари дала меҳнаткашлари учун янги асарлар саҳналаштириб, тортиқ қилмоқдалар.

Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театри режиссёр Танғириберди Қурбонов бошчилигида ёзувчи Хайриддин Султонов қаламига мансуб «Зар ҳовузнинг бўйларида» драма асарини саҳналаштирди.

Шунингдек, Наманган вилоят мусиқали драма театри режиссёри Жўра Маҳмудов Ҳусниддин Шариповнинг «Ёр истаб» комедия асарини, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри «Жалолиддин Мангуберди» драма асарини, Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ва комедия театри режиссёри Мансур Равшанов Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Жононга бордим бир кеча» («Ким тўғри») асарини саҳнага қўйди. Деярли барча вилоят театрлари саҳнасида янги асарлар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётганлиги қувонарлидир. С. Айний номли Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театри ёш драматург Шодмон Нурматовнинг «Юрагимни сотаман» асарини, Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри Ҳ. Убайдуллаевнинг «Ёвуз малика» драма асарини саҳналаштирди.

Юқорида номи зикр этилган янги спектакллар томошабинлар олқишига савозор бўлмоқда. Қолаверса, Олим Хўжаев номли Сирдарё мусиқали драма театри «Шайтон келин»ни, М. Тошмуҳамедов номли Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри М. Бобоевнинг «Онаизор» асарини саҳналаштирмоқда. Бу янги асарлар томошабинлар дилини хушнуд этишига ишончимиз комил.

О. РАҲИМОВ.

ОМАД КЕЛСА...

● **Фарғоналик Пирматжон Шерматов бир кунда бойиди-қолди. У «Лаҳзада 15 миллион» лотереясининг 200 сўмлигидан уч дона сотиб олган эди. Шулардан бирига 15 миллион сўм ютуқ чиқди. Пирматжон аканинг севинчи бир олам. Бу пулларга у тўй қилади, янги иморат солади, қисқаси, уни хайрли ишларга сарфлайди.**

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

● **Андижондаги «Жумабозор» маҳалласида оммавий-маданий ишлар маркази очилди. Бинони маҳалла аҳли ҳашар йўли билан қурди. Унга табиий газ ва телефон ўтказилди. Бу ерда турли маросимлар, ёзувчилар, театр ва кино намояндалари билан учрашувлар уюштирилади.**

(ЎзА).

Йўлнинг эгаси бор

ҚОИДАБУЗАР ҲАЙДОВЧИЛАР

Хабарингиз бор, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб чет элда ишлаб чиқарилган бошқарув рули ўнг томонда бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш республика ҳудудида тақиқланган эди. Мана уч ой бўлаяптики, бундай автотранспорт бошқарувчиларининг бир гуруҳи ҳамон кўчаларда бамайлихотир юришибди.

Андижон вилоятида кейинги вақт ичида ўнлаб шундай қонунбузар ҳайдовчилар аниқланиб, жазоланди. Тартиб биринчи навбатда бузилса, давлат номери ечиб олинади. Автомашина қайта жиҳозланмагунча фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақида қайта огоҳлантиришади. Аммо вилоят ҳудудида шундай автотранспортдан фойдаланиш ҳоллари учраб турибди. Дамир Абдуллаев Андижон шаҳридаги «Орзу» фирмаси раҳбари бўлиб ишлайди. У ўзи бошқараётган М 27—13 АН давлат номерли рули ўнг томонда жойлашган чет эл автомашинасида кетаётганида тўхтатилди. Бахтиёр Шукуров ҳам Андижондаги «Меҳнат» кичик корхонаси раҳбари. У корхонага қарашли 47—34 АНА давлат номерли таъқиқланган автомобилдан фойдаланаётгани учун бир неча кун илгари ДАН инспектори томонидан жазоланган эди. Шунга қарамай, яна қоидабузарликни давом эттираётган Б. Шукуровга нисбатан энди бошқача чора кўриладиган бўлди. Шунингдек, Андижон шаҳридаги кичик корхоналарнинг бирида экспедитор бўлиб ишлаётган Ҳотам Раҳимов бошқараётган М 12—02 АН давлат номерли автомашинанинг ҳам рули ўнг томонда.

Вилоят давлат автомобиль назорати ходимларининг таъкидлашича, бундай автотранспорт эгаларининг аксарияти ўзига тўқ кишилар. Уларнинг кўпчилиги бирон-бир фирмада, ё қўшма корхонада, ёки бўлмаса кичик корхонада раҳбарлик лавозимларида ишлашади. Ачинарлиси, шундай ҳайдовчиларнинг айримлари давлат автомобиль назорати ходимларининг қонуний талабларига бўйсунишни ҳам хоҳламайдилар.

Биз ушбу фактларни шарҳлаб беришни сўраб вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи милиция майори Азамат Тошбоевга мурожаат қилдик:

— Бошқарув рули ўнг томонда жойлашган транспорт воситаларидан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш учун бир талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, вилоят радио ва телевидениесида шу хусусда чиқишлар қилдик. Қарор кучга киргунга қадар шундай автотранспорт ҳайдовчиларига огоҳлантирув қоғозларини йўлладик. Автотранспортларни қайта жиҳозлаш учун тегишли корхоналарга йўлланмалар беришни ташкил қилдик. Белгиланган тартибни бузувчиларга қонуний йўл билан қатъий чора кўришни давом эттираверамиз.

Кўриниб турибдики, бу борада жойларда бирмунча ишлар қилиняпти. Аммо Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри кўчаларида рули ўнг томонда бўлган автотранспорт воситаларини бошқараётган қоидабузар ҳайдовчиларни ҳоҳланганча учратишингиз мумкин. Тегишли давлат автомобиль назорати раҳбарлари нимани-дир кутиб турганга ўхшашади шекилли, жамоатчилик бундан таажжубланмоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорати бошқармаси раҳбарлари бу аҳволни қандай баҳоларкин? Қарорнинг ижроси бўладими ёки...

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 1993 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ БУХОРО ШАҲРИДА УТКАЗИЛГАН VI ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

МАЪЛУМОТНОМА ЖАДВАЛИ

ЮТУҚЛАР ЗАЕМНИНГ ЕТТИТА РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА НОМЕРЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН ОБЛИҒАЦИЯЛАРГА ЧИҚДИ:

Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
00167	1—100	5000	26129	079*	25000
00292	1—100	5000	26337	1—100	5000
00343	1—100	5000	26669	053*	25000
00605	1—100	2000	26708	1—100	2000
00881	029*	50000	27248	1—100	5000
00898	1—100	5000	27479	1—100	5000
01624	046*	50000	27704	1—100	5000
01987	038*	25000	27826	1—100	5000
02314	1—100	5000	28033	1—100	10000
02892	1—100	5000	28208	1—100	5000
03050	1—100	5000	28215	1—100	5000
03391	1—100	5000	28439	1—100	10000
03555	1—100	5000	28577	012*	25000
03846	061*	50000	28888	077*	250000
03890	073*	25000	28905	070*	50000
03964	1—100	5000	28906	1—100	5000
04105	1—100	10000	29303	011*	25000
04350	076*	50000	29345	1—100	2000
04498	1—100	2000	29488	069*	50000
04594	092*	25000	30253	052*	25000
05088	004*	50000	31256	1—100	2000
05609	1—100	10000	31798	1—100	2000
05968	036*	25000	31825	086*	25000
06221	100*	25000	31904	048*	50000
07317	085*	50000	31929	1—100	5000
07327	073*	25000	31999	004*	25000
07585	079*	25000	32415	067*	25000
08062	064*	25000	32672	1—100	10000
08415	1—100	2000	32871	080*	25000
08526	1—100	2000	32952	1—100	5000
08613	1—100	5000	33168	1—100	5000
08689	1—100	5000	33183	050*	50000
08811	1—100	5000	33185	1—100	5000
08862	1—100	5000	33202	1—100	5000
09003	008*	25000	33585	062*	25000
09067	1—100	2000	34025	1—100	5000
09074	1—100	10000	34204	1—100	5000
09451	065*	25000	34313	007*	100000
10012	1—100	5000	34843	1—100	5000
10359	1—100	2000	35179	048*	50000
10817	1—100	5000	35257	1—100	5000
10961	1—100	2000	35485	008*	25000
11773	024*	25000	35732	1—100	5000
11776	1—100	5000	35757	1—100	5000
11785	1—100	10000	36682	1—100	5000
11850	1—100	2000	36942	1—100	5000
11930	046*	100000	37403	090*	100000
12321	095*	50000	37459	1—100	5000
12476	089*	25000	37491	1—100	5000
13371	1—100	2000	37825	053*	50000
13558	1—100	5000	37934	080*	25000
13655	072*	25000	38181	1—100	5000
13777	001*	50000	38283	1—100	5000
14544	1—100	5000	38403	050*	25000
14639	1—100	10000	38446	030*	25000
14872	092*	25000	38590	1—100	2000
14981	031*	50000	38649	085*	25000
15091	1—100	5000	38725	090*	5000
15188	064*	50000	39408	1—100	2000
15608	1—100	2000	39503	1—100	25000
16518	1—100	5000	39625	1—100	5000
16560	1—100	5000	40354	1—100	5000
16631	1—100	5000	40358	1—100	5000
16641	098*	25000	40407	1—100	5000
16752	013*	50000	40850	093*	25000
16777	1—100	2000	40993	009*	25000
16795	1—100	5000	41016	1—100	5000
16812	096*	50000	41092	1—100	5000
16891	1—100	5000	41-246	1—100	2000
17288	1—100	5000	42637	1—100	5000
17680	067*	25000	43361	1—100	2000
17884	058*	50000	44140	1—100	5000
17972	1—100	5000	44260	1—100	5000
18075	029*	25000	44575	1—100	5000
18440	083*	25000	45027	024*	25000
19380	1—100	5000	45115	1—100	5000
19529	1—100	5000	45144	1—100	5000
19894	1—100	5000	45268	1—100	5000
20172	1—100	5000	45284	1—100	5000
20174	1—100	2000	45323	1—100	5000
20772	1—100	10000	45438	091*	25000
21099	1—100	5000	45489	037*	25000
23045	1—100	2000	45636	073*	25000
23070	1—100	2000	45661	1—100	5000
23111	008*	25000	46051	1—100	5000
23619	1—100	5000	46186	1—100	5000
23755	1—100	5000	46241	1—100	5000
23774	028*	25000	46308	053*	100000
23959	1—100	5000	46741	019*	25000
24100	044*	50000	47281	1—100	5000
24127	014*	25000	47671	080*	50000
24878	1—100	5000	47830	025*	50000
25060	1—100	5000	47975	1—100	5000
25122	059*	25000	48036	060*	50000
25240	1—100	5000	48513	063*	50000
25550	075*	50000	48870	043*	25000
25829	067*	100000	48915	1—100	5000
25879	010*	25000	49366	029*	25000
25965	070*	25000	49677	1—100	10000
25988	080*	25000	49696	1—100	5000

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 2000 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 500 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

1000 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда 10000, 5000, 2000 сўмлик ютуқ чиққан тақдирда катта ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 20000, 10000, 4000 сўм ютуқ тўланади.

1000 сўмлик облигация номерларидан бирига 25000, 50000, 100000, 250000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 2000 сўм чиқади ва облигация бўйича 27000, 52000, 102000, 252000 сўм тўланади. 250 сўм қийматидаги облигацияларга 500 сўмлик облигацияда чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассасалари томонидан ана шу ҳужжат асосида рўзноманинг кейинги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссиясини[illegible] раиси — Бухоро шаҳар ҳокими

У. И. НОСИРОВ.

Тираж комиссияси масъул котиби — Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки комплекс хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи

А. М. ҲАЙДАРОВ.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ [бош муҳаррир ўринбосари], С. САЙДАЛИЕВ [бош муҳаррир ўринбосари], О. ҒОФУРОВ [масъул котиб], Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма П. 585. 28880. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2, Босишга топшириш вақти. 21.00. Босишга топширилди — 21.30

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.